



331

2017 у.г. «14» апрел

№ 795-К

Самарқанд т. – р. Самарқанд

Фуқаро Каримова Матлюба Арислоновнага тегишли уй-жойини турар жой тоифасидан тўлиқ нотурар жой тоифасига айлантириш тўғрисида

Самарқанд тумани “Каттакўрғонарик” кишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли “Марказий Арабхона” маҳалласида яшовчи фуқаро Каримова Матлюба Арислоновнага тегишли “Каттакўрғонарик” кишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли “Марказий Арабхона” маҳалласида жойлашган уй-жойини турар жой тоифасидан тўлиқ нотурар жой тоифаси мактабгача таълим муассасаси биносига айлантириш тўғрисида тумани тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш “Ягона дарча” марказига ёзган аризасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 мартдаги 70-Қ сонли қарорининг 3-иловаси, 1 боби, 3 бандига асосан олинган туман архитектура ва қурилиш бўлимининг 2017 йил 31 мартдаги 12-сонли ҳулосаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан,

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги “Каттакўрғонарик” кишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли “Марказий Арабхона” маҳалласида жойлашган Каримова Матлюба Арислоновнага тегишли бўлган уй-жойини, мазкур қарорга илова қилинган кадастр ҳужжатларининг иш режасида чегаралари кўрсатилган бино-иншоотларнинг қурилиш тагидаги майдони 175,45 кв.м.-дан иборат бўлган бино-иншоотларни турар жой тоифасидан тўлиқ нотурар жой тоифаси мактабгача таълим муассасаси биносига айлантиришга рухсат берилсин ҳамда умумий 588,62 кв.м. ер майдонидан нотурар жой тоифаси сифатида доимий фойдаланишга рухсат берилсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан, туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат қорхонаси (Т.Шаропов), туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қаршиев), туман давлат солиқ инспекцияси (Ш.Аслиев), туман статистика бўлими (Ж.Зарипов) ҳамда тумандаги “Марказий Арабхона” маҳалласи (М.Салимов)ларга фуқаро Каримова Матлюба Арислоновнага тегишли уй-жойини турар жой тоифасидан тўлиқ нотурар жой тоифаси мактабгача таълим муассасаси биносига айлантирилиши муносабати билан ўрнатилган тартибда рўйхатга олиб, тегишли ҳужжатларини расмийлаштириш ва туман ҳокимлигига маълумот тақдим этиш вазифаси топширилсин.

3. Фуқаро Каримова Матлюба Арислоновна зиммасига: а) мактабгача таълим муассасаси ташқи кўринишини архитектура лойихаси ҳамда талабларига риоя қилган ҳолда бинони конструктив қисмини бузмаслик, санитария, гигиена ва ёнги хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш; б) тадбиркорлик фаолияти доирасида иш олиб бориш учун амалдаги қонунларга асосан, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтиб, махсус гувоҳномага биноан ўз фаолиятини олиб бориш вазифаси топширилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Қ.Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Қадиров